

Апрель ойида Қувайтда халқаро қорилар мусобақаси бўлиб ўтади



08:30 / 10.01.2019 1793

Бугун барча ижтимоий тармоқларда бир хушxabар тарқалди. Қувайт халқаро қорилар мусобақаси ташкилий қўмитаси раиси Фарид Имодининг маълум қилишича, Қувайт X халқаро қорилар мусобақаси жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтади. Бу ҳақда маҳаллий "Al-Siyasiyah" нашри ёзади.

Хабарда айтилишича, мусобақа ғолибларига бериладиган пул мукофоти 167 000 қувайт динори деб белгиланган. Ўтган йилги IX халқаро Қуръон мусобақасида 79 давлатдан 130 та ҳофизини Қуръон қатнашган эди. Қувайт X халқаро қорилар мусобақасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу йилдан бошлаб мусобақа таснифида ёш қорилар учун ҳам алоҳида бўлим ажратилган.

Islom.uz портали таҳририяти